

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Учқўрғон шахри

2024 йил 15 январь

Учқўрғон туманлараро иқтисодий суди, судья О.А.Садиков раислигида, даъвогар - -----нинг жавобгар - ----- хусусий корхонасидан 1 146 235,9 сўм компенсация тўлови бўйича асосий қарздорлик ва 487 485,44 сўм пеняни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни суднинг ўз биносида, соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар ----- (бундан буён матнда даъвогар) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар - ----- хусусий корхонаси (бундан буён матнда жавобгар) дан 1 146 235,9 сўм компенсация тўлови бўйича юзага келган қарздорлик ва 487 485,44 сўм унга ҳисобланган пеняни ундиришни сўраган.

Жавобгар белгиланган тартибда хабардор этилган бўлса-да, даъво ариза юзасидан ўз эътирозларини, ёзма фикрини тақдим этмаган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси(бундан кейинги матнларда Ўзбекистон Республикаси ИПК)нинг 203<sup>4</sup>-моддасига асосан, соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган муддатда даъво аризаси юзасидан ёзма фикрни, далилларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин судья томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Мазкур ёзма фикрни белгиланган тартибда хабардор этилган жавобгар томонидан тақдим этилмаганлиги даъво аризани соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди. Суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади. Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён қилинган тушунтиришларни, эътирозларни ва (ёки) важларни текширади, далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради ва ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Суд ишдаги тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвони тўлиқ қаноатлантиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, ----- хусусий корхонасини фаолият тури паррандачилик бўлиб, у бўйича III тоифага мансуб компенсация тўловчи субъектлар тоифасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 202-сонли қарори билан тасдиқланган Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартибини белгилайди.



Унга кўра, атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва унга бошқа турдаги зарарли таъсирлар кўрсатилганлиги (ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш, оқизиш, чиқиндиларни жойлаштириш) учун компенсация тўловлари ундирилади.

Мазкур низомнинг 5-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддалар ташламаларини атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқова сувларни оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар, юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда шахарлар ва бошқа аҳоли пунктлари коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизувчи жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловчи субъектлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилладиган ташкилотлар (кейинги ўринларда — бюджет ташкилотлари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловчи субъектлар ҳисобланмайди. Бюджет ташкилотлари мазкур Низомга мувофиқ ўзларининг асосий фаолиятидан ташқари ва атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият билан шуғулланганда, ундан олинган даромад манбалари ҳисобидан компенсация тўловлари тўлайдилар.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи тоифаларига мансуб субъектлар (кейинги ўринларда — I — IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар), ушбу Низомнинг 4 — 7-бобларида келтирилган компенсация тўловларини ҳисоблаш тартибига амал қилган ҳолда иш юритади.

Мазкур низомнинг 26 ва 27 бандларида I ва II тоифага мансуб компенсация тўловчи субъектлар ҳар чоракда атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги, чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-қунигача аванс компенсация тўловини амалга ошириши, III ва IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар томонидан атроф табиий муҳитни ифлослантирилганлик ва чиқиндиларни жойлаштирилганлик учун компенсация тўловлари йилига бир марта, ҳисобот давридан кейинги йилнинг 5 февралигача амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Жавобгарнинг бошқармага тақдим этган ҳисоботларидан келиб чиқиб, 2020-2022 йиллар учун жами 1 425 974,9 сўм компенсация тўлови ҳисобланиб, шундан 279 739 сўм тўлов амалга оширилган ва 1 146 235,9 сўм қарздорлик қолган.

Даъвогар томонидан 09.10.2023 йилда жавобгарга компенсация тўловларини тўлаб қўйиш юзасидан талабнома юборилган. Бироқ, ушбу талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Ушбу ҳолат даъво аризасига илова қилинган ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топган.

Жавобгар ушбу маблағларни тўламагач, даъвогар даъво аризаси билан иқтисодий судга мурожаат қилиб, жавобгар ҳисобидан 1 146 235,9 сўм компенсация тўлови ҳамда унга ҳисобланган 487 485,44 сўм пеняни ундиришни

таган.



Бундан кўринадики, даъвогарнинг компенсация тўловини ундириш ҳақидаги даъво талаби асослидир ва уни қаноатлантириш лозим.

Шунингдек, даъвогар ўзининг даъво талабида 487 485,44 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 260-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади. Мазкур кодекснинг 261-моддасига асосан - қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2021 йилдаги 202-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 30-бандида “маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун компенсация тўлови бўйича қарздорлик суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ қарздорлик умумий суммасининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ундирилади” – деб кўрсатиб ўтилган.

Бундан кўринадики, даъвогарнинг пеня ундириш талаби ҳам асосли кўйилган.

Бинобарин, суд даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, суд харажатларини ИПКнинг 113-118-моддаларига асосан жавобгар зиммасига юклашликни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 113-118,176,177,179,203<sup>1-2-3-4-5-</sup> моддаларини қўллаб, суд

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Даъво тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар - ----- хусусий корхонаси ҳисобидан:

- Даъвогар - ----- фойдасига 1 146 235,9 сўм компенсация тўлови бўйича қарздорлик, 487 485,44 сўм пеня ва олдиндан тўланган 34 000 сўм суд-почта харажатлари;

- Бюджетга 340 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

*Ишда иштирок этувчи шахслар мазкур ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан бошлаб 10(ўн) кунлик муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилиниши мумкин.*

**Судья**

**О.А.Садиков**

